# 25 МИНГТА КИТОБ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Шундан сўнг туман ҳокими З.Давлатов ҳамда сектор раҳбарлари ташаббуси билан жамланган 25 мингта китоблар ҳамда стол тенниси жамланмалари тумандаги 48 та маҳаллаларда фаолият юритаётган ёшлар етакчиларига топширилди. Аҳамиятлиси, бугун тумандаги маҳаллаларнинг барчасига 500 донадан китоб юкланган “Дамас” автомашиналари кириб борди. Ўйлаймизки, эндиликда ушбу китоблар, қолаверса стол тенниси маҳалла ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан биргаликда уларнинг маънавиятини юксалтиришда ҳам хизмат қилади.